




2

Бог оралаб бораман...

3



«Тошпўлат олма»ни еганмисиз?



6

Ҳаёт туш эмас,
туш эса...

8



БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!



Машраб НУРИНБОЕВ
сурат-лавҳаси.

ЯНГИЛИК

«Afrosiyob»

энди мунтазам
қатнайди!

Хабарингиз бор, Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида «Тошкент — Самарканд — Тошкент» йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электропоездининг дастлабки синови амалга оширилган эди. Куни кеча «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ахборот хизматида маълум қилишларича, энди ҳафтанинг чоршанба ва шанба (эхтиёж ва талаблардан келиб чиққан ҳолда кейинчалик қатновлар сони оширилиши назарда тутилган) кунлари мазкур поезд қатнови йўлга қўйилди.

215 нафар йўловчига хизмат кўрсатадиган (8 та йўловчи вагон, битта вагон-ресторан) электропоезд замонавий техник ускуналар билан тўла жиҳозланган. Эслатиб ўтамиз, мазкур поезднинг максимал тезлиги соатига 250 км/соатни ташкил этиб, роппа-роса икки соатда кўҳна Самарканд шаҳрига кириб боради.

Ўз мухбиримиз.

Бу кеч қўшни чорбоққа келин тушар, ёр-ёр...

УШБУ СОНДА:

Ибрат олса арзир улардан	3
«Таътил» — «тўхтатди» дегани	4
Омади кулаётган «Омад»	5
Вагон кузатувчиси... қонунбузар!	6
Мих устида икки тонналик машинани кўтарган паҳлавон	7
Ёнғоқ оч қоринга ейилса... ..	7
Чимилдикдан бева бўлиб чиққан қиз	7
Тўрт боксчимиз Лондонга боради	8
Севги нима? Садоқат нима?	8

НОСИР ФОЗИЛОВ:

— Баъзилар ўйлаганидек, болаларга хоҳлаган нарсани ёзиб беравериш мумкин, улар нимани ҳам тушунарди, дейиш нотўғри. Бу яхшиликка олиб бормади! Алдамоққа бола яхши, деганларнинг ўзи алданиб қолади. Ҳўш, ёшлар адабиёти билан катталар адабиёти ўртасида қандай тавофут бор? Буни баъзи бир ёзувчиларимиз ҳалигача фарқлай олишмайди. Кичкинтойлар иштирок этган асар болаларники-ю, ўрта ёшлилар ёки кексалар қатнашган китоб катталарники, деган нуқтаи назар мутлақо хато. Тўғриси шуки, болалар адабиётини яратиш учун уларнинг дунёқараши, феъл-атвори ва дид-фаросатига мос қилиб ёзиш керак. Бунда бола тилига амал қилиш ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Ёш авлод учун асар битиш осон иш деб ўйлаб, қўлига шунчаки қалам олган кўплаб акаларимиз, тенгқурларимиз узоққа бормганига тарих гувоҳ.

4



У боғ оралаб бораркан, ажиб ўхшашлик қошида лол қолди. Қизиқ, инсон билан табиат нақадар уйғун-а! Иккисига ҳам бир нарса — меҳр керак. Яқингинада умид билан эккан ниҳоллари нишона берибди. Кечагина мактабга келган болалари эса учирма бўлаяпти. Балки "Умир — оқар дарё" деганлари шудир? Қачон, қаёққа, қанча оққанини сезмай қоляямизми?

...Мавлуданинг ўзи ҳам яқингинада ўқувчи эди. Синфдош дўстлари билан

исми, ишлари ҳам юришиб кетади, бошлаган ишлари хайрли ва баракали бўлади. Шу орада икки педагог кенгашиб, фермер хўжалиги ташкил этадиган бўлишди. Рост-да, фарзандлари бўш юрмайди, меҳнатга ўрганади, тобланади. Қолаверса, кўшимча даромад ҳам оила фаровонлигини таъминлайди-да.

1998 йили яхши ниятлар билан фермерликка ер олишди. Ишлар анча юришиб кетди. Оилада бўш одамнинг ўзи йўқ. Ҳамманинг ўз вазифаси, ўз юмуши

йибона сўз берди. У ўзини тез қўлга олди. Фермерлик ҳисобидаги 24 гектар майдонни хўжаликка топшириб, 4 гектар богдорчилик майдонини ижарага олди ва янги кўчатлар экиб, чин дилдан ажойиб бир боғ яратмоққа бел боғлади. Кўчатлар оралигига макка, картошка, чорва моллари учун беда экиб, оила даромадини ошира борди. Фарзандлари Адҳамжон билан Моҳидил олий ўқув юртига кириб, етук мутахассисликка эга бўлишди. Кенжато

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

сини ҳосил қилиш билан бирга, кўшимча маблағ топиш учун элита пардалари тикиш, компьютер саводдонлиги курслари ташкил этилди. Парранчилик, гулчиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди бошлади. Натижада, бу соҳаларга қизикувчилар сони ортиши баробарида мўмайгина даромад ҳам кела бошлади. Ушбу маблағ ижодкор, истеъдодли ёшларни рағбатлантиришга ва мактабнинг иссиқлик тизимини қайта таъмирлашга сарф қилинди. Билим масканида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури асосида ҳали яна анчагина ишлар режалаштирилган.

Тиниб-тинчимайдиган Мавлуда Бурхонова ўз хонадонда ҳамқишлоқларига маиший хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўйган. Тўй-маъракалар учун идиш-товуқлар, стол-стулар ва бошқа рўзгор буюмларини ижарага беришади. Қайнона-сидек эпчил, қақшон ҳамшира келин Шаҳнозаҳон ҳамқишлоқлари саломатлиги йўлида хизмат қилиш билан бирга, тадбиркорликка ҳам бош қўшиб, оила даромадини кўпайтиришга ҳаракат қилаётти.

Мавлуда Бурхонова жамоат ишларида ҳам фаол. У Ўзбекистон халқ демократик партияси аъзоси, туман кенгаши депутати, "Дўстлик" маҳалла кўмитаси аъзоси сифатида ҳам хайрли ишларга бош-қош бўлмоқда.

Ўқитувчини қалб боғининг богбони деймиз. Бизнинг қаҳрамонимиз эса муболагасиз айтиш мумкинки, икки боғнинг богбони. Бирини келажак авлод навиҳолларига таълим-тарбия бераётган бўлса, иккинчисида чин маънода болга ботган мевалар етиштиратти. Эл дастурхони тўқинлигига ўзининг камтарона ҳиссасини қўшиб келаяпти.

...Ана у яна боғ оралапти. Бу боғлардаги ҳар бир ниҳол унга азиз. Сархил меваларга қўл қўзиб узиб оларкан, беихтиёр кўз ўнгига шириндан-шакар неваралари келди. "Бу боғлар сизлар учун, сизнинг нурли келажагиниз учун, болажонларим", дея шивирлади аста. "Орзуларингиз амалга ошяпти, дада-жониси", деб қўйди ким биландир сўзлашаётгандай, сўнг иссиқхона ташкил қилишга мўлжалланган ер томон илдамлаб кетди...

Баҳор ХОЛБЕКОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Сирдарё вилояти.

Боғ оралаб бораман...

ёшлик завқини суриб, ҳаёт ташвишларидан холи бир гўзал даврни бошларидан кечирдилар. Синфдоши Собиржон бошқача йигит эди. Меҳрибон, эътиборли. Мавлуда ҳам уни қаттиқ ҳурмат қилар, ҳамиша қадрларди. Кейинроқ билса... бу йигитча унга кўнгли қўйган экан.

Мактабдан сўнг ҳаммани ҳаёт сўқмоқлари ҳар тарафга чорлади. Биргина Мавлуда мактабда қолди. Орзуси ўқитувчи бўлиш эди. Ишдан ажралмаган ҳолда, Сирдарё давлат педагогика институтининг филология факультетиде таҳсил олди. Бир муддат Бахт шаҳридаги хунар билим юртида, сўнг Оқолтин туманидаги сув хўжалиги техникумида ўқитувчи бўлиб ишлади. Иш жараёнида талабчанлиги, ташкилотчилиги билан назарга тушди. Шуларни ҳисобга олишдими, кўп ўтмай, у туман халқ таълими бўлимига она тили ва адабиёти фани бўйича услубчи қилиб ишга олинди. Ундан кейинги иш фаолияти Сирдарё туманидаги 41-умумтаълим мактаби билан чамбарчас боғлиқ кечди.

Турмуш ўртоғи Собиржон ҳам педагогик касбининг нақли. Икки ёш гўё бир олманинг икки палласи, бир қабутарнинг икки қаноти, тилла узукка ёқут кўз эдилар. Гўзал бир жуфтлик пайдо бўлди. Ширин бир оилда муҳаббат деган улуг туйғу ардоқланар, кўрган ҳавасда, эшитган орзуда бўлди. Ҳалол, окўнгил, меҳнаткаш инсон қуриган чўпни ерга суқса ҳам кўқаради, деб қўйишди. Собиржон ҳам ана шундай йигитлар сирасидан эди. Ерни яхши кўрди, меҳнатга боғланди. Жуфти ҳалоли Мавлуда ҳам худди ўзи. Ўй-фикрлари доим бир жойдан чиқади, бирининг фикрини иккинчиси қуватлайди. Ҳамжиҳат, тотув бўлганликлари бо-



бор. Йўналиш аниқ — мактаб — уй — дала. Аммо...

2001 йил 9 сентябрь кунини... Бу аҳил ва ҳамманинг ҳаваси келадиган оила бошига оғир мусибат тушди. Собиржон автохалокат туфайли ҳаётдан кўз юмди. Мавлуда севгани, қадрдони, сирдоши, қўлдошидан айрилди. Ҳаётнинг аёвсиз бу зарбаси уни жиддий эсанкратиб қўйди. Аммо кучли ирода соҳибаси бўлгани уни асраб қолди. Юрагининг туб-тубидан икки бир нидо келди: "Фарзандларимиз ҳеч қимдан, ҳеч қачон кам бўлмайди. Уларни ўқитиб қўймайман. Бунинг учун бор кучимни, керак бўлса ҳаётимни ҳам сарфлайман", дея севган инсонига го-

Мафтунахон ҳам лицейни битириб, олий ўқув юртига кириб ўқимоқчи. Афсус, шундай ёруғ кунларни Собиржон кўрмади-да.

2008 йили ташкилотчи, сергайрат Мавлудани ўзи ишлаётган мактабга директор этиб тайинлашди. Энди масъулият ўн чандон ошган эди. Елкадаги юк заллати. Аммо бу аёлда матонат деган катта куч бор экан. Аввало, уни ёнидагилар, ҳамкасблари қўллаб-қувватлашди. Жорий йил Мавлуда Бурхонова учун янада омадли йил бўлди. Юртбошимизнинг 2011 йилни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилганликлари барча ҳамюртларимиз қатори Мавлудани ҳам қувонтириб юборди. У юксак кўтаринчилик билан янги-янги режаларини амалга ошира бошлади. Боғ учун ажратилган майдонга яна 4 гектар ер қўшиб олди. 500 туп олхўри, ўрик кўчатлари ўтказди. Қатор ораларига картошка, маккажўзори экиб, эл дастурхонининг тўқин бўлишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Тадбиркор аёл далада меҳнат қилаётганлар учун қулай шароит яратишни ҳам назардан қочирмади. Шинча, замонавий дала шийпони барпо этди. Ўн кишилик янги иш ўринлари яратди.

Чорвачилик — мўл-қўлчилик дегани эмасми, 20 бош қорамол учун ферма қурган ишбилармон чорва учун озука захирасини яратишни ҳам унутгани йўқ. Бу-гунги давр талабини чин дилдан ҳис қилган Мавлуда Бурхонова ўзи бош бўлган мактабда ҳам тадбиркорлик бўйича катта ишларни амалга оширмоқда. Мактаб 2007 йил тадбиркорлик йўналишида Япония ҳукумати гранти соҳиби бўлди. Шу орқали билим маскани замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Мактабда ўқувчилар орасида меҳнат қўнирма-

НОТАРИАТ ИНСТИТУТИ — АДЛИЯ ФАОЛИЯТИ

инсон манфаатлари ҳимоячиси

Юртимиз мустақилликка эришгач, мулкчилик соҳасида муҳим ўзгаришлар юз берди. Хусусий мулкчилик вужудга келиши натижасида фуқаролар орасида шартномали муносабатларнинг тури кўпайди. Бу эса инсон манфаатларини чин маънода ҳимоя қилиш учун нотариат институтини такомиллаштириб бориш, юридик хизматни пухта, сифатли даражада амалга оширишни талаб этарди.

Бош қомусимизда ҳам инсон манфаатлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилган. Жумладан, 13-моддада «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принциплари асосланади, уларга қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», дея белгилаб қўйилган. Республикада фуқароларнинг ҳуқуқлари, жумладан, хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқи қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Қонун устуворлигини таъминлашда эса нотариат идора-

ларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. "Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши фуқаро ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда нотариал ҳаракатларнинг тартибга солуви муҳим ҳужжат бўлди.

Юртимизда олиб борилётган ислохотлар нотариал идоралар фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти. Хусусан, нотариал идораларда расмийлаштириладиган кўчмас мулкка нисбатан олиш-сотиш, ҳада, айирбошлаш шартномаларининг турлари кўпайди. Қолаверса, никоҳ шартномаси никоҳланувчи шахсларнинг хоҳиши ва эришга асосан амалга оширилиши боис низосиз деб баҳоланиб, нотариал тартибда тасдиқланиши белгиланган. "Тадбиркорлик тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши нафақат шартномали муносабатларнинг кенгайишига, шу билан бирга, ворислик ҳуқуқида ўзига хос туб ўзгаришларни ясади. Натижада, фуқаролик муносабатларида яқна тартибдаги деҳқон-фер-

мер хўжалигининг мулкига нисбатан ворислик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномади нотариал тартибда расмийлаштириш эҳтиёжи пайдо бўлди. Юридик шахсларнинг ташкил топиши асносида таъсис шартномаларини нотариал идоралар томонидан расмийлаштириш, таъсисчининг ҳиссасига нисбатан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномади бериш билан боғлиқ янги турдаги нотариал ҳаракат турлари вужудга келди... Демакки, республикамизда нотариат идоралари фаолияти тобора кенгайиб, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этишдаги роли кучайиб бормоқда. Бу эса нотариуслардан мунтазам равишда ўз устида ишлашни, қонунчилик моҳирлигини тўла англаган ҳолда замон талабига мос тарзда ҳаётга таътиб этишни талаб қилмоқда.

Нодир ОРТИКОВ,
Тошкент шаҳри
Риборд тумани
1-сонли давлат нотариал
идораси катта нотариуси.

Жинсий таълим ва репродуктив саломатлик

Репродуктив саломатлик ҳақидаги маълумотлар ёшларга ўз хатти-ҳаракатини тўғри баҳолашда асқотиб, оилавий ҳаётга ҳар томонлама тайёр бўлишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ота-оналар ёки ўқитувчиларнинг ёшлар тарбиясидаги, айниқса, жинсий таълим ва репродуктив саломатлик соҳасидаги асосий ролини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди.

Баъзилар ёшларга бундай таълим бериш уларнинг жинсий фаоллигини рағбатлантиради, деб ҳисоблайди. Аммо Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бу фикр умуман нотўғри қараш эканини таъкидлайди. Қолаверса, ўз танаси ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаслик, физиологик ўзгаришларни билмаслик натижасида хоҳишдан ташқари ҳомилдорлик ёки жинсий йўллар орқали юқувчи касаллақларга йўлиқиш ҳам ҳеч гап эмас.

Вилоятимиздаги касб-хунар коллежларида жинсий таълим ва репродуктив саломатлик дарслари, "Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила" мавзуси бўйича махсус ўқув курслари малакали мутахассисларга юқлатилган. Бундан ташқари, ФХДЭ ходимлари тегишли идора вакиллари билан бирга ёшлар орасида доимий тадбирлар ташкил этиб боришади. Мақсадимиз — ёш авлоднинг жинсий таълим ва репродуктив саломатлик тўғрисидаги билимларини қўйиштириш орқали соғлом турмуш тарзи ҳукмрон оилаларни кўпайтиришга ҳисса қўшишдир.

Захро КАРИМОВА,
Тошкент вилоят адлия бошқармаси
бош маслаҳатчиси.
Малика ШАРИПОВА,
Бекобод шаҳар ФХДЭ бўлими мудири.

Бахт саройлари: кеча ва бугун



вилоят адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси Нодира Мирмухамедова. — Ҳозирги кунда вилоят миқёсида 23 та ФХДё бўлими ва битта Бахт уйи фаолият юритмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, уларнинг 98 фоизи янги биноларга кўчирилган. Барчасида инспекторлар учун алоҳида хоналар, никоҳни қайд этиш учун муҳташам заллар мавжуд. Олдинги мисол, Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Пайарикдаги 1-сонли, Жомбой туман ФХДё бўлими ва янги биноларга эга бўлди. 2008 йил ФХДё бўлими ходимлари учун бир хил кўркем форма ташкил қилинди. Архив иши бўйича янгиланган жорий этилди. Яъни, энди далолатнома ёзувлари фақат қўлда эмас, компьютерга ҳам туширилади. Ўтган асрнинг 18-19-йилларига тегишли хужжатлар ҳам айна пайтда компьютерга сақланган. Бу нафақат архив иши ходимлари учун, балки кенг аҳоли қатлами учун ҳам қулайлик туғдирмоқда.

ФХДё бўлими бегоз оила дорилфунунига менгзамадим. Бунинг боиси, ФХДё бўлимида 1998 йилдан никоҳланувчилар орасида мунтазам равишда «Оила дорилфунуни», коллеж, академик лицей ўқувчилари ўртасида эса «Ёш оила курувчилар мактаби» сабоқлари ўтказиб келинаётир. Бундай тадбирлар шифокорлар, психолог, ҳуқуқшунос, диний билимлар бўйича мутахассислар ҳамкорлигида ўтказилиб, ёшларга оиладаги турли ҳолатлар, муаммоларнинг келиб чиқиши ва уларнинг олдини олиш бўйича қизиқарли тарзда маълумотлар бериб борилаёпти.

Шу ўринда яна бир рақамга эътибор қаратишни лозим топдик. 2001 йил вилоят миқёсида оила қурганлар сони 18 минг 344 нафарни ташкил қилган бўлса, 2010 йили бу кўрсаткич 36 минг 282 тага етди. Оилалар сони шу муддат орталигида икки бараварга ошди. Уларнинг катта қисми янги ФХДё бўлимида никоҳдан

ЖАРАЁН

ўтишган. Эътиборлиси, ҳатто чекка туманларда ҳам бу масканлар гўзал қиёфа касб этиб бораётир.

— Бир замонлар қишда совуқ, ёзда эса иссиқ, эски бир бинода ижарада фаолият юритганимиз, — дейди **Кўшработ тумани ФХДё бўлими мудирини Нодира Тохирова.** — Тантанали никоҳ маросимлари ҳақида ўйлаш ҳаёлимизга ҳам келмасди. 2008 йили 7 та хона ва никоҳни қайд қилиш залидан иборат замонавий бинога кўчиб ўтдик. Кейинги пайтда ФХДё бўлими ишини янада такомиллаштириш, машғулотларни самаралироқ ташкил қилиш, фуқаролар билан ишлашда ўзига хос механизмни яратиш бўйича соҳа ходимлари ўртасида турли учрашув, танловлар ташкил қилинаётгани ҳам бизни руҳлантирмоқда.

— Яқинда туманимизда яшовчи тўққизта янги оилани қатор ташкилотлар ҳамкорлигида никоҳдан тўловсиз ўтказдик, — дейди **Тайлоқ туман ФХДё бўлими мудирини, “Энг намунали ФХДё бўлими” танловининг вилоят миқёсидаги ғолиби Эътибор Бўронова.** — Давлатимиз томонидан ёш оилаларга берилаётган эътибор ва уларга яратилаётган энгилликлар, албатта, ўзига хос мазмунга эга. Сабаби, бундай қулайликлар фақат бир томонлама бўлиб қолаётгани йўқ. Никоҳни расмийлаштиришдан олдин қатъий тартиб асосида мажбурий равишда тиббий кўриб айланиш бўлими ва, ҳуллас, қатор масалалар ижобий ҳал этилмоқда.

КИССАДАН ҲИССА:

...Айтишларича, бир киши бахт излаб, донишманд хазурига келибди. Донишманд ҳалиги одамга икки томчи ёғ солинган бир қошиқча берибди-да, сўнг уни муҳташам саройига юборибди. “Шу саройни айланиб, унда нималар борлигини менга айтиб берасан. Аммо қошиқчадаги ёғни ҳам унутма”, дебди. Бахт истаб келган йигит саройнинг чиройига маҳлиё бўлиб, у ердagi манзараю ажойиботларни эслаб қолдиби-ю, аммо саройдан чиқса, қошиқчадаги ёғ йўқ эмиш. Донишманд “Бахтинг сирини фақат гўзал бўлиб кўриган саройда эмас, қошиқчадаги ёғда ҳам эди”, дея таассуф билдирибди...

Бир қарашда оддий ривоят бўлиб туялган бу ҳикматли воқеада ҳақиқат яширин: юқорида биз фахр билан тилга олган Бахт уйлари муҳташам саройга, икки томчи ёғни эса ёшлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирларга, уларнинг тафаккурини кенгайтиришга хизмат қилувчи учрашувларга қисқасас арзийди.

Гулрух МўМИНОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.
Самарқанд вилояти.

Рихситилла НУРИНБОЕВ
олган сурат

Бундан бир неча йил аввал “Оила” илмий-амалий маркази ходимлари томонидан ёшлар ўртасида қуйидаги мазмунда сўров ўтказилди: “Келажақда Сизнинг оилавий ҳаётингиз ота-онангизникига ўхшашини хоҳлармидингиз?” Бу саволга сўралганларнинг 48,6 фоизи “Ҳа, албатта”, деб жавоб берган бўлса, “Айрим жиҳатлари” деб 43,4 фоиз, 4,9 фоиз ёшлар эса “Ўйлаб кўрмаганман”, деган жавобларни беришибди. Албатта, инсон бир оилада камол топар экан, ундаги хусусиятлар, қадриятлар — барча-барчаси қон-қонига сингиб кетади. Лекин рақамларга эътибор беринг, 43 фоиз йигит-қизлар ўз оиласини янада кўркемроқ, янада бахтлироқ қилиш истаги бор экан. Бу бугунги кун ёшларининг оила ҳақидаги, ундаги муомала-муносабатдан тортиб, фарзандлар камолини чуқурроқ ўйлашлари, умуман, аънаваний удувларни сақлаш билан бир қаторда, ўзларига хос гўзал бир бахтли оила қуриш истагида эканини билдиради.

Бундай ёруғ орзуларнинг бежиз пайдо бўлмаётганини кўпайиб мисоллар орқали шарҳлаш мумкин. Аввало, оилаларга эътибор, уларнинг хар томонлама барқарор бўлишида мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан ислохотлар катта ўрин тутганини алоҳида таъкидлашни истардик. Президентимиз ташаббуси билан “Аёллар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Оналар ва болалар йили”, “Сиҳат-саломатлик йили”, “Баркамол авлод йили”нинг эълон қилинганининг ўзиёқ истиқлол даврида барчамиз учун муқаддас саналган оилага улғун бир қадрият сифатида қаралаётганини яна бир қарра исботлайди.

Биз ушбу мақоламизда никоҳ маросимлари ўтказиладиган маскан, жойлардаги ФХДё бўлиmlарининг нечоғли ўзгаргани, уларнинг муҳташам саройларга менгзалган ҳолда қурилаётгани ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Бундан 15-20 йиллар аввалги манзараларни бир эслайлик. Самарқанд шаҳрида кўзга кўринарли биттагина ФХДё бўлими бор эди. Бутун шаҳар ва қишлоқ туманлари ахли шу гўшага интиларди. Сабаби, қолганлари анча абгор, одмигина биноларда жойлашган эди-да.

— Ўтган асрнинг 94-йилларида Самарқанд шаҳридаги ҳозирги 2-сонли ФХДё бўлимидан никоҳдан ўтганимиз, — дейди **Насиба Остонова.** — Кўпчилик пишиқчилик деб куз ойларида ўтказарди ўша маҳаллари. Бизнинг тўй кунимиз ҳам шу фаслга тўғри келгани учунми, узоқ вақт навбатда турганмиз. Никоҳни қайд этиш маросими ҳам номига, шошилинч тарзда ўтказилган. Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади.

Ўшанда шаҳарда Насиба опа айтганидек, битта бўлса-да, никоҳ уйи бор эди. Аммо туманларда-чи? Худудлардаги ФХДё бўлиmlарининг аксарияти жуда хароб аҳволда эди. Яна денг, янги оила-

ларнинг аксарияти тўйдан сўнггина никоҳдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома оларди.

Мутахассисларнинг фикрича, ёш келин-куёб учун никоҳни қайд этиш сониялари жуда қадрили ва айнан шу ҳаяжонли дақиқаларни яқинлари даврасида, кўркем биноларда ўтиши уларнинг руҳиятига, демакки, келгусида ҳаётига ҳам таъсир кўрсатар экан. Қувончлиси, бугун вилоятимизда муҳташам никоҳ уйлари мавжуд, улар кейинги йилларда яна ҳам кўпайиши кутилмоқда. Шунингдек, айна пайтда ФХДё бўлиmlарининг иш тартиблари ҳам кечагидан ўзгача. Улар никоҳни қайд этибгина қолмай, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, бу борадаги муаммоларнинг олдини олиш бўйича ҳам талайгина ишларни амалга ошираётир.

— ФХДё бўлиmlари том маънода оила дорилфунунига айланаётир, — дейди

Ибрат олсак арзир улардан

Пискент шаҳрида улғун мутафаккир бормизнинг муборак номлари билан аталувчи Навоий маҳалласи бор. Кўпчиликнинг ҳавасини келтирувчи бу гўша ахли бир-бирига ниҳоятда меҳрибон ва ҳамжиҳат, гўёки бир оила фарзандлари мисол яшайди. Айна пайтда 780 та хонадонда жами тўрт мингдан кўпроқ аҳоли истиқомат қилмоқда.

— Кўп бора эшитганимиз, бошқа давлатларда маҳалла деган институт йўқ экан, — дейди **мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алемне Кузнецова биз билан сўхбатда.** — Шундай бўлса, ахиллик дейсизми, меҳр-мурувват бобида ёки бунёдкорликда, хуллас, ҳамма соҳада бошқаларга намуна бўлиш учун интилишимиз керак. Масалан, “Ҳашар” деган сўз қайси бир тилда бор? Лекин

бу бизда ниҳоятда қадим қадрият сифатида эъзозланади. Бир-бирига беминнат ёрдам бериш, мурувват кўрсатиш каби урф-одатлар юртошларимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

Маҳалламизда жамоатчи-



лик асосида бирор тадбир уюштироқчи бўлсак, ҳеч ким томошабин бўлиб қараб ўти-

майди. Кўчаларни ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш, хуллас, ҳар қандай савобли ишлар бўлса, кексаю ёшларимиз баҳамжиҳат фаолиятга кири-

МАҲАЛЛАМ — ОИЛАМ МЕНИНГ

шадди. Дарҳақиқат, маҳалла раисаси таъкидлаганича бор экан, биз Пискентга борган кун Алемне опа бошчилигидаги фаоллар ташаббуси билан “Ҳашар элга ярашар” шиори остида тадбир уюштирилибди. Навоий маҳалласи ахли биргалашиб, ўз худудларига яқин майдонда

деҳқончилик қилаётган фермер хўжалиқлари далаларида етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишда яқиндан кўмак беришга отланишибди.

— Албатта, бизларнинг

қанча пахта терганимиз эмас, балки ҳашарчи ва теримчилар хазурига борганимизнинг ўзи уларни анча руҳлантирибди, — дейди **фаоллардан бири Саримсок ота Арҳоров.** — Бундай ибратли аъналар ёшларимизга ижобий таъсир кўрсатади, уларда меҳнатсеварлик туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

— Бу ҳашарда биз билан биргаликда юзга яқин ёшлар ҳам иштирок этишди, — дейди **Ойша ая Бектемирова.** — Қизларимизнинг эпчил-чаққонлигини кўриб, улар эртага келин бўлиб тушадиган хо-

надонларини ҳам обод этишларига ишонч ҳосил қилиб, ўзига хос имтиҳонимиздан ҳам ўтказиб олдик. Нега деса, сангиз, ҳар қандай оиланинг тинч-тотувлиги ҳамда хайр-баракали бўлишида келинларнинг ишбалирмонлиги ва саранжом-сариршталиги ҳам катта ўрин тутди.

Дарвоқе, бугун биз сизга ҳикоя қилган муҳтасаргина хайрли амаллар Пискент шаҳридаги ушбу маҳалла фаолиятидан бир шингли холос. Ҳамиша бирор юмуш билан яхши маънода кўпчиликни безовта қилмоқни ўз вазифаси деб биладиган Алемне Кузнецова “Маҳалламизга дунё ахлини неча асрларки, ўз ижоди билан хайратга солиб келаяётган Алишер Навоийдек улғун ва беназир зотнинг номи қўйилгани бахтимиз ва, ўз навбатида, биз ҳам ана шу номи муносиби равишда оқлаш учун интилишимиз керак”, дейди фахрланиб.

Нигора ЭРКИН қизи.
Тошкент вилояти

— Сиз билан турли мавзуларда суҳбатлашиш мумкин. Негаки, баъзилар Носир Фозилони болалар ёки катталар ёзувчиси, бошқа биров мохир таржимон, яна кимлардир уста муҳаррир деб билади. Сиз ўз наздингизда кимсиз? Аслида, ким бўлмоқчи эдингиз?

— Ҳозир тилга олинган барча йўналишлар мен учун қадр-қадри уларнинг ҳеч биридан айро тасаввур этолмайман. Мактаб даворий газетасидаги машқларимни ҳисобга олмаганда, профессионал фаолиятимни таржимонликдан бошлаганман. Болалигимиз оғир йилларга тўғри келган, шу боис мактабни ҳам анча кеч — 20 ёшимда тугатдим. 1949 йили Тошкентга келиб, Ўрта Осиё давлат (ҳозирги Ўзбекистон миллий) университетида ўқишга кирдим. Нима бўлди-ю, бир куни қозоқ ёзувчиси Собит Муқоновнинг “Менинг мактабларим” китоби қўлимга тушиб қолди. Ўқиб қарасам, бинойидек тушунапман. Қозоқ болалар билан Сирдарё бўйларида мол боқиб, ўйнаб юрганларимиз асқотган-да! Китоб ҳажми жуда катта, 35–40 босма табақ эди. Мутолаа асосида ёзувчининг таржимони холи жуда бойлигидан хайратда қолдим. Ижодкор ҳаётда қанча кўп кўрса, хилма-хил воқеаларни бошидан кечирса, унинг маънавий захираси шунча бой бўлади-да. Шундай яхши асарни ўзбек тилига ўғиролмайманми, деган фикр келди. Бу иш мен учун жуда осондек туюлди. Маслаҳат солгани Миртемир ақани қора тортиб бордим. Жуда яхши ўйлабсан-да, деди устоз шоир. У киши мени “Ўздавнашр”га бошлади. Муҳаррирлар китобининг ҳажми жуда катталлигини айтиб, агар муаллиф асарни болаларга мўлжаллаб қисқартириб берса, мен эса ўзбекчага маҳорат билан ағдарсам, чоп этишга бажонидил рози бўлишди. Аввал китобдан бир парча ўғириб, “Пионер” (ҳозирги “Гулхан”) журналида эълон қилдим. Кейин Собит Муқоновнинг манзилини топиб, ёзувчига хат ёздим, боляги парчани ҳам қўшиб жўнатдим. Бир ой деганда асарнинг қисқартирилган нусхаси етиб келди. Ёшлик шашти билан тезда ўзбекчалаштириб ташладим, китоб бўлиб чиқди. Ана энди кўринг, осмонда учиб юришимни. Ахир, ҳали талаба эдим-да! Шундан сўнг таржимага шўнғиб кетдим. Ҳатто университетни тамомлагач, бир йил давомида ҳеч қаерда ишламай, қозоқ адибларининг асарларини она тилимизга ўғира бошладим. Айни пайтда, адабий танқидий қарашларимни билдириб, мақола-ларим ҳам эълон қилиб турардим. Саида Зунуннова сабаб бўлиб, 1955 йили ҳозирги “Гулхан” журналига бирийўла бўлим бошлиғи этиб ишга олиндим. Ана ўша кезлари бадиий китобларни ўзбекчага туппа-тузук ўғираяпман-ку, нега энди ўзим ёзмаслигим керак экан, деган хаёлда юрардим. Ишлаётган журналини йўналишидан келиб чиқиб, болаларга аталган ҳикоялар машқ қила бошладим.

— Агар ишни ўқувчилар наширида бошлаганингизда, эҳтимол, болалар ёзувчи-

си бўлмасмидингиз?! Кечирасиз-у, бизда ижодкорларнинг бу тоифасига негадир сал бепасандроқ қаралади. Кўли қаламга келмайдиганларга ҳам болалар адаби бўла қолинг, дея маслаҳат беришади.

— Яқин ўтмишимизда шундай пайтлар бўлдики, “Э, бу шунчаки болалар ёзувчиси-да!” деган муносабат урфга кирди. Оқибатда, кичкинтойлар адабиётининг захматкашлари ҳеч қандай имтиёзларга эга бўлмай, бир чеккада қолиб кетиши (афсуски, ҳозир ҳам шунақа фикр-

адибга ҳамроҳ бўлганман. Қайтиб келганимиздан сўнг “Ўзбекистон маданияти” газетасига сафар таассуротлари, Фафур Гуломнинг ҳазил-мутойибалари ҳақида ёзиб бердим.

— Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлади, деганларидек, шу йўналишдаги асарларингиз “Устозлар даврасида” деган китобга айланди, муҳлислар назарига тушди. Такдирни қарангки, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида эсдалик жанридаги яна бир китобингиз “Топдим-у, йўқотмадим” учун Давлат му-

тингиз остига олдингиз. Саксон йиллик тўйингизда Эркин Воҳидов “Носир ақанинг хонадонини доим шоирга ёзувчилар, адабиётчилар билан гавжум бўларди. Қайноқ бир адабий муҳит ҳукм сурарди”, деганди...

— ...Бир чавандознинг учқур аргумогини ўғирлаб кетишибди. От эгаси қирчанги чўбирни минни, ортиндан тушибди. Қараса, ўғрига яқинлашиб бораёпти. Шунда алами келиб, “Ҳой нобакор, қанақа укувсиз одамсан-а? Қулогининг тагини қаша, қулогининг тагини...” дебди. Ўғри унинг айтганини қилса, тулпор шамолдай елиб кетибди. Чўбири билан аргумоқнинг чангида қолган чавандоз “Ҳа, аканг қарағайнинг оти!” деган экан. Мен ҳам ҳаётда ана ўша отбознинг ақидасига амал қилиб яшашга интилдим.

“Гулхан”, “Шарқ юлдузи” таҳририятларида, Фафур Гулом номидаги ва “Ёш гвардия” (ҳозирги “Янги аср авлоди”) нашриётларида ишлаб юрган кезларим кўп оқсоқоллар билан ота-бола тутиндим, уларнинг панд-насихатларини эшитдим. Олтиндан қиммат бу ўғитларни ўзимдан кейинги укаларимга айтиб, ўрни билан маслаҳатлар бериб, йўлга солганимдан хурсандман.

— Ҳозир уларнинг кўпчилиги адабиётимизнинг номдор вакиллари, Ўзбекистон халқ ёзувчилари... Элимизда бир гап бор: этигинг тор бўлса, дунёнинг кенглигидан не фойда, деган. Ҳаётда шунча нарсага эришибсиз, бунда оилангизнинг ҳам ўрни борлиги шубҳасиз.

— Умр йўлдошим Муборакхон Фозилова 38 йил нашриётда ишлаган. Энди, ижодкорнинг хотини зиммасига бошқа аёллардан кўра кўпроқ масъулият тушади. У қозон-товоқ, кир-чир, меҳмоннавозлик сингари доимий рўзгор ишларидан ташқари эрига ҳамфикр, ҳамсуҳбат бўлиши лозим. Муборакхон менинг биринчи ўқувчим, биринчи машинкачим, биринчи мусаҳҳихим... У Тошкентнинг Эски шаҳарида туғилиб ўсган, менинг ёшлигим эса Сирдарё бўйларида ўтган. Баъзида бир сўз устида тортишиб қоламиз. Ўзбек тили жуда бой ва серқатлам тил-да, уни бор жилолари билан адабиётга киритишимиз зарур. Асарингиз ошиб кетган, ё етмай қолган жойлари бўлиши табиий. Бу борада ҳам Муборакхон билан бамаслаҳат иш кўраемиз. Шу маънода ижодимда рафиқамнинг ўрни катта...

— Айтганча, Саид Аҳмад хотиралар китобини “Йўқотганларим ва топганларим” деб номлаганди. Сиз эса “Топдим-у, йўқотмадим” дебсиз. Нима бу — жавобми, эътирозми?

— Саид Аҳмад йўқотганларим деганда устозларини, топганларим деганда эса шоғирдларини назарда тутган. Бунда инсоннинг ҳисмонан ўлими инobatга олинган. Аммо мен маънавий томондан қарайман: Ойбек, Фафур Гулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемир каби оқсоқол адибларимиз ўз асарлари билан ҳамон халқимиз хизматига-ку, шундай эмасми? Гарчи жисман вафот этган бўлсалар-да, нафақат мен, балки халқимиз ҳам уларни йўқотган эмас. Устозлар доим биз билан бирга: кўнглимизда, хотираларимизда яшайди... Ҳа, бу ҳаётда фақат топганман!

“Оила ва жамият” муҳбири Фаррух ЖАББОРОВ суҳбатлашди.

НОСИР ФОЗИЛОВ:

«Бу ҳаётда фақат топдим...»



ловчилар онда-сонда учраб туради. Рағбат яхши, рағбатлан-тириш ундан-да яхши! Меҳнатлари тақдирланган ёзувчи янада кўпроқ ва ҳўброқ ишлашга ҳаракат қилади. Натижада, бундан болалар адабиёти ютади, фарзандларимиз ютади!

— Анча-мунча китоб ёзиб, ёш авлодга ҳаёт этгансиз. Эллик йилдирки, асарларингиз мактаб дарсликларидан тушмай келади. Нашр этилган китобларингиз сони юздан ошиб кетди. Ижодингизда эсдалик жанри ҳам алоҳида йўналишни ташкил этади...

— Ўтган асрнинг 60-йиллари боши эди, ўйлаиб қолдим: собиқ иттифоқдаги бошқа халқларда эсдалик жанри бор-у, негадир бизда ҳеч ким хотира ёзмайди? Сал кейин масаланинг тагига етдим: ўша вақтда адабиётимизнинг катта вакиллари — Абдулла Қаҳҳор, Фафур Гулом, Ойбек, Миртемир ўзларидан олдинги адибларни кўрган, яқиндан билган. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Усмон Носир ҳақида ёзса, шулар ёзиши мумкин. Лекин бу улуг зотларни матбуотда хотирлаш туғул, тор давраларда ҳам номини тилга олиш бошини кундага кўйиш билан баробар эди. Шундай қилиб, ўтган асрнинг 20-йилларида яшаб ижод қилган шоир ёзувчиларимиз ҳақидаги хотиралар бизгача етиб келмади. Орада бўшлиқ пайдо бўлди. 1960–70-йилларга келиб, ўзимиз замондош бўлган оқсоқол адиблар ҳам бирин-кетин оламдан ўта бошладилар. Улар тўғрисида келажак авлодга жонли хотиралар қолдириш керак эди. Шу мақсадда дастлаб Фафур ака ҳақида эсдалик ёздим. Унда ҳали шоирнинг ўзи ҳаёт эди.

1962 йили Қозғонистанда ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўнқунлигида устоз

кофотига сазовор бўлдингиз...

— Камтарингина ижодимнинг шундай нуфузли мукофотга лойиқ қирилгани давлатимизнинг адабиётга, ижодкорга жуда катта эътибор ва гамхўрлик кўрсатаётганини билдиради. Шу билан бирга, менга ўхшаган кекса адибларга ҳам қанот ва қучқувват бағишлайди.

— Аслида, эсдалик жанрида бирор нарса ёзиш ниҳоятда мураккаб ва мушкул иш. Сизнинг назарингизда унинг талаб ва мезонлари қандай бўлади?

— Биринчи шарт шунки, воқеликни бор ҳолича, ўзидан ҳеч нарса қўшмай, бўяб-бежамай ёзиш керак. Кўпчилик тарихни шахсий мақсадида бўйсиндиришдек хунук ниҳоятда ёки астойдил киришиб кетганидан бадиий тўқималарга зўр бериб юборади. Бу — шак-шубҳасиз, хотира эгасига нисбатан хиёнат! Эсдалик жанрида факт, ҳужжатлик жуда муҳим ўрин тутди. Ҳаёт ҳақиқатини бузиб бўлмайди, ахир. Қўлга қалам ушлашдан олдин бироз истиҳола ва эҳтиром ҳиссини туйиб, сал кўрқиб ҳам туриш лозим. Энг муҳими, кўнгилда қахрамонингизга нисбатан меҳр-муҳаббат бўлсин! Яна, эсдаликни бадиий адабиётдек ўқишли қилиб, аммо публицистикадек фактларга қатъий риоя этиб ёзиш керак. Мураккаблиги шунда!

— Олтин йиллик ижодий фаолиятингизга қараб ҳайрон қолади киши: муҳаррир бўлиб ишладингиз — бировнинг чалакам-чатти нарчасини қарийб қайта ёзиб чиқиб дегани бу; таржимонлик қилдингиз — бошқанинг ижодини тарғиб этиш дегани бу; хотира ёздингиз — кимнингдир яхши томонларини халққа кўрсатиш дегани бу; яна доим ёш ижодкорларни қано-



ҚАНГОМА — “қангома” сўзининг туб илдизи “фикр-ўй” деган маънони англатади. Унинг “олдий фикр” деган мазмунни ифода этиши манбаларда таъкидланган. Шунингдек, бу сўзнинг “йигин” маъноси ҳам бор. “Қангома” асосан “турун-лашиш”, “хушчақчақ суҳбат” маъносини ифодалайди.

У-бу тўғрисида бирпас қангома қилиб, Ўсаржон жунаркан, Дадамат уни пешинда бедана паловга таклиф қилди.

Ойбек

ОШИҚ — бу сўзнинг туб илдизи “ишқ” сўзи билан бир. “Ошиқ” сўзи “севди”, “севиб қолган”, “муҳлис” деган маъноларни англатади.

Муҳаббат дардига мубтало ошиқ, Сенга ҳавас билан боқурман чиндан. Абдулла Орипов

ТАЪТИЛ — “таътилга чиқиш” деган ибора тилимизда “бирор ташкилотнинг ўз ҳоли-шароити берадиган узоқ муддатли дам олиш кунлари” маъносини билдиради. Бироқ “таътил” сўзининг туб маъноси бошқачароқ, яъни бу сўз аслида “тўхтатиладан” деган мазмунни ифодалаган.

— Махдум, буқун сизга таътил, — деди мавлоно Фасихиддин Султонмуродга.

Ойбек

АЛЛОМА — бу сўзнинг туб илдизи “олим” деган маънони англатади. “Аллома” сўзи “забардаст олим”, “буюк қомусий олим” мазмунини ифода қилади.

Тарихимизда жаҳон илму фанига бекиёс ҳисса қўшган алломаларимиз кўп.

Газетадан

ҚАЗНОҚ — тилимизда “омбор вазифасини ўтовчи сртўла” маъносини ифода қиладиган “қазноқ” сўзининг туб илдизи “қазилган” мазмунини ифода қилади.

Шу уй ёнида кичик, қоронғи бир зах қазноқ бўлиб, бу омбор эди.

Жуманиёз Шарипов

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Бекобод туманида Сарюз деган кўхна бир кишлоқ бор. Одамлар содда ва меҳнаткаш. Деҳқончилик ва чорвачилик бобида уларнинг олдига тушади янги йўқ, десак ишониверинг. Ана шундай соҳибкор ва ер билан тиллашадиганлар

болалик йилларини хотирларкан. — Энди қаранг, ҳаммаёқ ям-яшил, обод ва гўзал бўлиб кетди. Буларнинг бари мустақиллик шарофати туфайли рўй берди-да. Бўлмаса, бизга ўшаган деҳқонларнинг елкаси офтоб кўрмасди. Ҳозир иш-

ўзи учун қадрдон бўлиб қолган замин, дала-дашлар, экин-ҳосиллари хусусида ҳужум гапирди. Шу аснода, секин бу замондошимизнинг оила билан боғлиқ маълумот-

Попада тоғли Чоркесар

Парда Турсун, Кўрнос кишлоқлари га қатнайдиغان автоуловлар бека тига бориб, “Дамас”га миндим. Шу пайт мўрти-мўйлаби чиройли кузалган кексароқ киши машина эшигидан мўралаб, ёнимга ҳозиргина келиб ўтирган қорача, кўкун дўппили йигитни гапга тутди қолди:

— Йўл бўлсин, Мўминжон?
— Парда Турсунга.
— Э, яхши бўлди-да, жиян, — суюниб кетди оқсоқол. — Шу десанг, Тошкандан неваралар келадиган. Шунга уч-тўрт кило “Тошпўлат олма”дан керак эди-да. Қайтишингда ола келсанг-чи?

— Хўп-хўп, — деди кулимсираб халиги йигит. Сўнг отахон узатган бир даста беш юз сўмликни санамай киссасига солди.

Ниҳоят, “Дамас” жойидан жилди. Мен эса ўйлаб қолдим. Олманинг Қирмизи, Размарин, Бешюлдюз, Семиркенко деган навлари бор. Бу “Тошпўлат олма” қанақа экан энди? Қизиқшим ортиб, ёнимда бораётган Мўминжондан секин сўрадим:

— Отахон илтимос қилган олмани ҳеч эшитмаган эканман-а?
— Э, жуда зўр, ширин, серсүв. Баҳоргача қилт этмай турадиган

унамадим. “Қатик бўлса, майли эди”, дедим. “Э, бор” деди-да, сакраб ўрнидан туриб, уйи томон кетди. Оёқларида чўзилиб ётган итга кўрқиброқ қарадим. Сал ўтмай уй соҳибига бир коса қатик олиб келди. Муздек, жоннинг роҳати эди у.

— “Тошпўлат олма”ни эшитиб келувдим, — дедим гапни айлантириб ўтирмай.

— Ана! — деди Ёқубжон ёнбағирдаги бир туп унча катта бўлмаган, аммо шохлари ларзон олмага ишора қилиб.

Беихтиёр ўрнимдан турлиб, ўша томонга қараб юрдим. Олманинг тагига бориб, унинг тепасига, меваларига тикилиб қарадим. Танасини кўрт ебди... Аммо, олмалар... Бир томони қизғиш сариқ, бир томони оппоқ, ялтирок... Мўминжон айтмоқчи, ниҳоятда зўр эди.

— Пишганми, еса бўладими?
— Ҳали етилишига салгина бор, аммо тўкилганларига таъм кириб қолган.

Ёқубжон шундоқ оёғимиз остидан тўкилиб ётган анвойи олмалардан икки донасини ариқда қайиб узатди. Хидлаб кўрдим. Хушбўй, ёқимли эди. Қарсиллатиб тишладим. Шунча ширин эдики, гўёки жоннинг роҳати эди бу “Тошпўлат олма” деганлари.

Сўрига қайтдик.

“ОМАД”ГА ОМАД КУЛАЯПТИ

орасида Абдулла фермернинг номи алоҳида фахр билан тилга олинади. Кишлоқдошларининг айтишича, у мустақилликнинг илк йилларидаёқ фермерчиликни бошлаган экан.

Дастлаб “Омад” фермер хўжалиги иш юритувчиси Абдуманноп ака билан кўришдик. Сўхбат орасида у киши шундай изоҳ берди:

— Асли ота-боболаримиз бир замонлар шу ерлар ўзлаштирилганда катта хисса қўшишган экан. Бир оилада беш ака-ука, тўрт опа-сингилмиз. Жуда баландпарвоз гап демасангиз, айтайин, бахтимизни мана шу кумли тупроқдан топдик. Ҳозир ҳамма тadbиркор, пултопармон бўлиб кетди, синглим. Ишонмасангиз, исталган ҳовлига кириб, бўш ётган бир қарич ҳам ер йўқ. Биз деярли бозордан ҳеч нарса сотиб олмаимиз. Абдулла укам эса ҳақиқий деҳқон, бугунги замоннинг асл фермери десам бўлади уни.

Абдулла Ҳузалиев 1991 йили 9 гектар ер олиб, Бекободда биринчилардан бўлиб фермерликни бошлаган эди. Аввалига пахта экиб, катта тажриба тўплади. Шу билан бирга, боғ яратиб билан ҳам машғул бўлди. Ҳақиқий деҳқон хўжалик аъзолари 87 гектар ерда галла ва пахтадан мўл ҳосил етиштиришди. Жорий йили эса “Омад”чиларга туман ҳокимининг қарорига асосан ўзлаштириши ва рентабеллиги паст фермерларга тегишли майдонлар ҳам қўшиб берилди, эндиликда улар 200 гектар ерда деҳқончилик қилишмоқда. 40 нафар аъзога эга хўжалик йил сайин ўз даромадини ошириб бораёпти. Масалан, бу йил 45 гектар майдондан 108 тонна галла ҳосили олинди, ҳалол меҳнат қилган деҳқонларнинг рўзгорига ҳам анча барак киради.

— Шу ерларда бир пайтлар от чоптириб, қўй боқиб, ўйнаб юрардик, — дейди Абдулла ака

лайман, яшайман, тadbиркорлик билан шуғулланаман деган одамга йўллар очик, имкониятлар яратиб қўйилган. Ҳамма гап — фақат ҳалол меҳнат қилишда.

Отамиз “Ерни ардоқлаган, унга чин дилдан меҳр қўйган одам икки дунёда ҳам хор бўлмайди”, дердилар доим. Ана шу халқона сўзларнинг исботини бугун ўз ҳаётим мисолида кўраёяман. Худога шукр, бировдан кам жойимиз йўқ. Режаларни ошириб удалаймиз, даромадга яраша бурюмад, деганларидек, ишчиларимиз ҳам йил сайин бойиб бораёпти. Уйлар қураёпти, тўйлар қилишаёпти, машина миншаёпти, фарзандларини ўқитишаёпти, айтмоқчиманки, ҳеч кимдан кам жойимиз йўқ бизнинг. Мана, янгидагина лицензия асосида 38 миллион сўмга “ТТЗ-100” русумли трактор сотиб олдик. Ҳали олдинда яна қанча режаларимиз бор. Насиб этса, 100 гектарга экилган пахтамининг ҳам ҳосили ёмонмас. Эрта-индин режамизни удалаш арафасидамиз.

Албатта, деҳқон билан галлашсангиз, деҳқончилик, муаллим билан мулоқотда бўлсангиз мактаб, ўқувчилар мавзуси устуворлик қилади. Биз ҳам жонқуяр фермер билан сўзлашяпмиз-у, у киши


ларни ҳам билгимиз келади.

— Ҳеч бўлмаса ҳафтада, чўзилиб кетса, ўн беш кунда бир марта оила аъзолар — ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғлар учрашиб оламиз, — дейди Абдулла фермер. — Кувонч-ташвишлар, тўй-томошалар ҳақида маслаҳат қиламиз, муаммоларни биргаликда ҳал этамиз. Опа-сингилларим Азиза, Шоира, Раъно, Кларами кўрсам, онам раҳматлини эслаб қўяман. Бизнинг ёруғ кунларимизни кўрганларида қанийди, деб армон қиламан. Ака-укалар ҳам ниҳоятда аҳил ва иноқмиз. Ота-боболаримиз касбини ардоқлаб юрганлимиз учун кам бўлмадик. Худога минг қатла шукр, эл орасида обрў-эътиборимиз яхши.

Ўз номига муносиб хайрли ишларга ҳамиша бош-қош “Омад” фермер хўжалиги нафақат деҳқончилик соҳасида, балки меҳр-муруват бобида ҳам бошқаларга ибрат кўрсатиб келаётир. Кам таъминланган оилалар, ногирон ёки боқувчисини йўқотган кишиларга моддий кўмак беришда ҳам Абдулла Ҳузалиев кўпчилигининг дуосини олаётганини сўхбатдошларимиз фахрларини сўзлашди.

Нигора ҲУЛООВА,
«Оила ва жамият»
муҳбири.

«Тошпўлат олма»ни еганмисиз?



антика олма ўзиям...

— Биринчи марта эшитаяпман.
— Бу фақат шу Парда Турсун кишлоғида битида.

— Нега энди «Тошпўлат олма» дейишад?

— Тошпўлат ака деган одамнинг отига қўйилган-да. Айтишларича, шу одам кўпайтирган экан. Ҳозир кишлоқдаги ҳар бир хонадонда бор. — Мўминжон шундай ет бироз сукут сақлагач қўшиб қўйди. — Бу ёғини сўрасангиз, тоғликларнинг бойлиги, даромади шундан.

Каминада эса Тошпўлат олмани кўриш, татиб кўриш иштиёқи тўғилди. Мўминжон кўнглимдан ўтаётганларини сезди чоғи:

— Санаторияда фельдшер бўлиб ишлаган Ёқубжонни танийсизми? — деб сўради.

— Танийман, — дедим.
— Тошпўлат ака Ёқубжоннинг отаси бўлади. Шу киши билан учрашсангиз, бу олманинг тарихини мендан кўра яхши билди...

Кишлоққа боргач, Ёқубжонни суриштирдим.

— Пастда, ота ҳовлисидан топасиз уни, — дейишди.

Ёқубжон беш-олти йил бўлибди, нафақага чиқиб, тоғ ёнбағридаги санаторияга қарашли, ўзи тўғилиб ўсган жойни обод қилиш билан банд экан. Кўрнос кўпригига етмасдан ўнгга қайрилиб, тепаликка ўрлаб кетган йўлга бурилдим. Йўл турфа хил дов-дарахтлар экилган, олмалар шингиллаб ётган, ён-атрофи теразор ажабтовур боққа олиб чиқди. Ёнбағирда, ариқ остидан икки хонали пасткамгина уй. Олдида, эски ёнбоғлар соясида икки-уч жойда яккам-дуккам супа-сўри. Уй олдида “Дамас” турибди. Зоғ учмайди. Товуш бердим. Шу пайт уй томондан каттагина оқ ит мен томони аккиллаганча югуриб қолди-ку! Унинг важоҳатидан кўриб, илгим қалтираб, турган жойимда қотиб қолдим. Шу пайт ичкари тарафдан:

— Бас қил, Бобик! — деган овоз эшитилди. Кейин пастдан ўрта бўйли, қорамғиз юзли, қотмадан келган киши чиқиб келди. Бу Ёқубжон эди.

Тайёр полос, кўрпача ёзиб қўйилган сўрилардан бирига ўтирдик. Мезбон чой келтирмоқчи эди,

— Демак, бу олмани дадангиз раҳматли кўкартирган эканлар-да, — дея Ёқубжонни гапга солдим.

— Ҳа, ўз кўллари билан эканлар. Шунга ҳам эллик йилдан ошди-ёв. Қуриётганди каллақладим, қайтадан шох чиқариб, яшнаб кетди...

— Дадангиз кўчатини қаердан олган экан, сизга айтмаганми?

— Дадам ўзлари солиқчи бўлиб ишлаган бўлса-да, боғбончилик меҳри баланд эди. Уша йиллари ўрмон хўжалиги ишчилари бир машина олма кўчати олиб келиб, ху нариги ёнбағирга, — Ёқубжон сойнинг нариги бетига ишора қилди, — эккан экан. Дадам улардан иккитанга кўчатни сўраб олиб, шу ерга ўтказган ва бир тупи кўклаган. Тогда кўчат секин ўсади-да. Беш-олти йил деганда нишона кўрсатган. Шунча олма чиққан. Ўрмончилар эккан кўчатлар эса ўша йили қил қаттиқ келгани боис битта қолмай қуриб қолган экан. Мевасидан таътиб кўрганлар “Э, бу бошқача олма экан-ку”, деб шохчасидан олиб кетиб, пайванд қилаверган. Кўп хонадонларга дадангизнинг ўзлари пайванд солиб берган. Шу тариқа бу олма кишлоқ бўйлаб тарқатган. Одамлар шундан бери «Тошпўлат олма», деб ном қўйиб олибди...

— Сиз ҳам кўпайтираяпсизми, ишчилари? — сўрадим.

— Ҳа, ҳув, анави қир ён бағридаги қатор олма ниҳолларини кўраяпсизми?

Ёқубжон билан яна анча вақт аштан-даштан дегандек гурунлашиб ўтирдик. Хайрлашаётим:

— Баҳорда келсам, менга ҳам ниҳолдан берасизми? — дедим.

— Бўлмасам-чи, қанийди, ҳам-маёққа тарқата олсан, ўшанда отамнинг ҳам руҳи шод бўлармиди, — деб қўйди Ёқубжон...

— Баҳорда келсам, менга ҳам ниҳолдан берасизми? — дедим.

— Бўлмасам-чи, қанийди, ҳам-маёққа тарқата олсан, ўшанда отамнинг ҳам руҳи шод бўлармиди, — деб қўйди Ёқубжон...

— Баҳорда келсам, менга ҳам ниҳолдан берасизми? — дедим.

— Бўлмасам-чи, қанийди, ҳам-маёққа тарқата олсан, ўшанда отамнинг ҳам руҳи шод бўлармиди, — деб қўйди Ёқубжон...

Али ЗИЁД

Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама

«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

кундаги ўқув курсларига таклиф этади:

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либобелари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
- Ҳамшира (тектор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
- Тиббий массаж — 2 ой. Нуктали — 1 ой.
- Торт ва пиццириклар — 2 ой.
- Пиццириклар бўйи курси — 1 ой.
- Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
- Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
- Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
- Элита парда ва чойшаблар тикиш олиқ курси — 1 ой.
- Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
- Каштанчилик — 3 ой (машинада вишивка).
- Тўқувчилик — 2-3 ой.
- Инглиз тили — 3 ой.
- Рус тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой.

Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан

Етоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга

ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани 3-мавза 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори бош томони ораксид.

Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18*дан 22*00 гача).

ФИЛИАЛ

Манзил: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, Қуйлик, 4-уй 40-хона. Мўлжал: Қуйлик кийини бозори рўпарасида.

Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (кундузи)



Ҳурматли Шўхрат Ҳайитов!

Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин. Сизга тинчлик, хотиржамлик, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, ховядонингизга файзу барка тилаймиз. Яхши ниятларингиз ижобат бўлсин. Келгуси ишларингизда зафарлару ҳамроҳингиз бўлсин.

Ҳурмат билан

202-мактаб жомоаси

Тошкент шаҳри

...Ханифа хола ўттиз ёшида бева қолди. Раҳматли эри оғир хасталикка чалиниб, қазо қилди. Уйдагилари, дугоналари қанча қистамасин, қайта турмуш қурмади. Норасида болаларнинг ўғай ота қўлида ўсишини истамасди. Уч қиз ва бир ўғилни оқ ювиб, оқ таради, вояга етказди, ҳаммасини уйли-жойли қилди.

Эркатой ўғли Акмалга қишлоқнинг энг гўзал, чаққон қизи Лолани келин қилди. Эр-хотин ҳовлининг ёнида дўкон очиб, савдо-сотик қила бошлашди. Жуда бадавлат бўлмасалар-да, ҳарқалай, ҳеч қимдан кам эмасди, рўзгорлари тўкин-сочин эди. Онанинг ҳам кўнгли тўқ. Тинчгина яшаб юрган кезлари бир куни кечқурун ўғли янги гап топиб келди.

— Ойи, кеча Олим деган ошнама Америкадан телефон қилди. Бир бадавлат одамнинг уйида ишлармиш. Яхшигина ҳақ тўларкан. Иш бор, бу ёққа келсанг-чи, деяпти. Сиз нима дейсиз, борсаммикан ё?

— Болам, нима қиласан овораяу сарсон бўлиб. Мана, рўзгоримиз бут, бировдан кам жойимиз йўқ-ку. Ношукрлик қилма, устига устак, ёлғиз ўғил бўлсанг. Мусофирчилик курсин, бегона юрт, тили бошқа, дили бошқа бўлса уларнинг.

— Онажон, қачонгача битта қозоннинг қайнашига қараб ўтирамиз? Олимга ўхшаб дангиллама ҳовли-жой қуролмасам, машина ҳам йўқ. Хўп денг, шунча одам кетаяпти-ку, мен ҳам борсам кам бўлмайман.

Она-боланинг суҳбатига Лола ҳам қўшилди:

— Акмал акам тўғри гапираяпти. Ҳозир четдан мўмайгина пул топиб келаётганлар кўп. Агар сиз хўп десангиз мен ҳам борардим-да.

Ханифа холага келинининг кейинги гапи қаттиқ таъсир қилди. Бирдангина авзойи бузилди:

— Барака топгурлар, нима қилаётганларингни биласизларми ўзи?! Эртага ҳамма менинг устимдан кулади-ку! Биттаю битта ўғлиниям сиздирмабди бу аёл деб. Йўқ, мен норозиман.

— Утинаман, онажон, сизга опаларим қарашиб туради. Кўпи билан икки йилда қайтамыз. Рухсат беринг!

— Болажоним, мен ўзимни ўйлаётганим йўқ, ахир. Худо сақласин-у, чет элга ишламан деб рухсатсиз, ўзбошимчилик билан кетганлар... — шу ерда, она-да барибир, фарзандининг кўнгли ўксимасин дегандек, "жасади" дея олмади, — қанақадир аллабало касалликларни ортириб келишаётганмиш. Бунисиям етмагандек, ўзимизникилар бир-бирини алдашар экан. Лола ҳали янги келин бўлса, у ёқнинг шароитига қўноқламайди-ку!

— Вой, намунча содда бўлмасангиз, ойижон, мендан сира хавотир олманг. Ҳар доим ўғлингизнинг ёнида бўламан.

Ана, нариги маҳалладаги Ҳафиза дугонам бор-ку, ўша Америкада ўғил туғибди. Бирдангина боласига фуқаролик беришган эмиш. Чақалоқ ҳам бинойидек ўсаётган экан...

Хуллас, ўғил-келин бир кеча ичиди онани зўрга кўндиришди. Акмал эртаси куниеқ Олим ошнадуруст ишлаб турган дўконини сотди. Лола ҳам тилла тақинчоқларини пуллади. Болаларини қувонч билан қузатган бўлса-да, Ханифа холагининг кўнглидаги хавотир, безовталик тарқамди. Икки ой ўтгандан сўнг дастлабки пул ва хатни олгач ҳам «Иш-қилиб, бошлари омон бўлсин-да» деб дуо қилиб қўйди.

совуқ сув куйиб юборгандек бўлди. Уша куни эри ишга кетган пайтда у Лоланинг хонасига кириб келди-да, дабдурустдан: — Менга жуда ёқиб қолдинг, гўзал экансан. Агар... менинг шартимга кўнсанг, ҳар ойда келишилган пулингга икки ҳисса қўшиб бераман.

— Мистер Жон, тушунмадим сизни, бу нима деганингиз?! Кўйсангиз-чи, ахир, менинг эрим бор. У билан биз севизиш турмуш қурганмиш. Бизда хиёнат кечирилмайти.

— Бундай сафсата гапларингни уйингга борганда айтасан. Тушундингми, бу ерда эса мен хўжайинман. Билиб қўй, кўнмансанг, сенга ҳам, эрингга ҳам оғир

гиндим...

— Ҳечқиси йўқ, ўрганиб кетасан, телефон қилиб гаплаш.

Эртаси куни Лола уй юмушлари билан банд маҳалда яна Жон кириб келди. Уни кўриши биланоқ Лола тутайиб кетди ва бақириб берди. У бўлса бамайлихотир оҳангда: "Ҳечқиси йўқ, бу ёққа пул топаман деб келгансан-ку, чидайсан, агар гинг десанг, эртага уйдан чиқариб юбораман!" деб дўқ урди.

Лола икки ўт ўртасида қолди. Нима қилсин? Эрига айтса, бутун ҳаёти барбод бўлади. Яхши-си, уйига қайтиши керак.

Шундай қилди ҳам. Орадан бир ойча вақт ўтгач, негадир кўнгли айниб, мазаси қоча бошлади. Акмал чинакамига хурсанд бўлганча, "Ўтиб кетади жоним, насиб этса, кўчордек ўғил туғасан", деб ҳазиллашиб қўйди. Бу ҳақда Олим дўстига ҳам айтди ва эртаси куни Лолани шифокорга кўрсатгани олиб боришди. Дўхтир уч ҳафталик ҳомиласи борлигини айтиб, табриклади. Лекин Лоланинг кўнглига чирок ёқса ёришмади. Чунки айтилган муддат унинг учун ниҳоятда дахшатли кун эди!

Бир ҳафтадан кейин хотини йиглайверганидан кейин Акмал уни жўнатиб юборди:

— Лола, ўзингни эҳтиёт қил. Мендан сира хавотир олма. Насиб этса, ўғил кўрамыз. Мен унга кўп совғалар олиб бораман. Онанинг хурматини жойига қўй.

...У эри билан хайрлашиб-да ўзини хурсанд туттига уринди. Аммо самолёт ўриндиғига жойлашгач, хаёли паршон тортиди, фикрлари чуваллашиб кетди. "Онажон, нега мени чиройли қилиб туғдингиз? Қай гуноҳим учун тақдир мени бундай азобга ташлади? Йўқ-йўқ, мен гуноҳор эмасман, у мажбураман, нима қиламан энди? Нахотки?.. Йўқ, бўлиши мумкин эмас! Акмал бечоранинг гуноҳи нима?.."

Лолани онаси ва қайнонаси соғинч билан кутиб олишди. Икки куда унинг бошқоронглигини эшитиб, роса суюнишди. Шу кундан бошлаб бирам авайлашдики, асти қўяверинг.

Лоланинг эса нафаси ичиди, бош чайқайди, ҳолос, кун бўйи ухлайди, кўчага ҳам чиқмайди. Куну тун Худога "Ўзинг шарманда қилмагин", дея илтижо қилди... У икки ой кўрқув билан яшайди. Кун санади, соат санади.

Лоланинг кўз ёриши жуда



Америка деганлари антиқа ўлка экан. Юз хил рангли одам бор ўзим. Бировнинг биров билан иши йўқ. Кўчада саломлашишмайди. Ҳар ким ўзининг гамида. Тирик жон борки, пул толайин дейди. Оч қолсанг, бир бурда нонни раво кўришмайди.

Олим таърифлаган бойвачча — қора танли, 45 ёшлардаги қизи экан. Янги меҳмонларга ҳовлининг четидан бир хона ажратиб берди. Акмални сал чеккароқдаги боғига ишга қўйди. Лолага келганда... мезбоннинг кўзлари бежо бўлиб қолди. Оппоқина, сулув келинчақ хаёлини қочирди, шекилли-да. У қоравойнинг оиласидаги майда-чуйда ишларга қарашадиган бўлди. Жон (исмини қаранг!) нинг хонадониди хотини, бир ўғил ва бир қизи яшарди. Бирортаси ҳам қўлини совуқ сувга урмайди. Жуда зерикиса, машинада шаҳар айланиб келишарди. Ҳарқалай, инглизчани бинойидек биладиган Лола улар билан тезда тил топишиб кетди.

Кунлардан бир куни хўжайиннинг кутилмаган таклифи яхшигина даромад топиш кайфиятида юрган Лоланинг устига

бўлади, — деди-да жаҳл билан чиқиб кетди.

Лоланинг ўша кундан бошлаб тинчи бузилди. Нима қилсин, ўзи зўрга чидаб юрибди, дарди ичиди. Акмалга бу ҳақда бирон нарса деса, жаҳли тез, бирор қор-қол юз бериши мумкин. Хуллас, Жон шу орада яна бир-икки марта унга бу ҳақда шипшиди. Лола азбаройи тишини тишига қўйди. Лекин бир куни ҳовлида ҳеч қим йўқ маҳалла салгина ширакайф ҳолатда унинг хонасига бостириб кирди ва...

Не-не орзу-ниятлар билан келган Лола учун бир кунда ҳаёт тугади. Ўзини қўярга жой тополмай қолди, турли хаёлларга ҳам борди. Йиглайвериб кўзлари шишиб кетди. Бир амаллаб кунини кеч қилди. Акмал ҳам ишдан чарчаб келиб, бир пасда ухлаб қолди. Эртасига хотинининг ранги-кути бутунлай таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини кўриб хавотирга тушди.

— Лола, тинчликми, ўзи, сенга нима бўлди, нега кўзларинг қизарган?

— Билмадим, Акмал ака, сира ухлай олмадим, онами со-

оғир кечди. Уч кун давом этган дарддан кейин ҳам боло туғилмади. Бу лаҳзаларда онасию қайнонаси мигр марта ўлиб-тирилишди. Охири чақалоқни жароҳлик йўли билан кесиб олишди.

Ташқарида уйдагилари Лолага соғлиқ тилаб туришар, Америкадан эса Акмал тинмай кўнгириқ қилиб, "Ойижон, нима бўлди, ўғилми-қиз, исмини ўзингиз қўйинг", дерди хавотирланиб. Операция хонасиди эса... биринчи бўлиб доя-вой! деди-ю, ўтириб қолди. Сўнг ҳамманинг кўзи қоп-қора, сочлари жингалак, лаблари дўрдоқ гўдакка тушди. Чақалоқ эса атрофдагиларнинг хайратидан беҳабар «инга»ларди.

Шифокорлар эрта тондан бери ташқарида юраклари ҳаприкиб, қувончли хушхабар кутиб ўтирган оналарга ҳам, ака-ука, амма-холаларга ҳам не дейишни билмай узоқ қийналошди. Икки соатдан сўнг чақалоқни онасига олиб келишди. Лола уни эмизиш у ёқда турсин, рангини кўрибоқ хушидан кетди.

...Кеч бўлганда Лола врачга бор ҳақиқатни айтиб берди. Шундан кейингина шифокор Лоланинг онаси ва қайнонасини хонасига чақирди. Ичкарида аёлларнинг дод-войидан ҳамма ҳайрон эди. Ханифа хола эса кўчага чиқиб, телбалардек ўзига ўзи гапириб борарди: "Эй, Худо, сенга нима ёмонлик қилувдим? Орзу-ниятларим оқибати шуми энди?! Осий бандангни кечир. Ҳаммасига ўзим айбдорман, ҳеч қимдан кам жойи йўқ эди-ку, қайси шайтон йўлдан урди бизни? Илоё, шу Олим деганини ҳам ер ютсин! Шарманда бўлдим, одамларга нима дейман энди?!"

...Шаҳардаги шов-шув бир кунда океан ортига ҳам етиб борди. Акмалнинг рашқи, ғазаб-и ўтдек чақнади. Олим дўстининг «хай-хай»лаши ҳам уни тўхтада олмади. Кеч тушганда ошхона пичогини олиб, Жоннинг уйи томон югурди. Ҳовли эгаси ўз хизматкори юзиди га нафратни, орқа томонидан урилган пичоқ зарбини сезмай қолди...

Уша заҳоти етиб келган полициячилар машинасига чиқаркан, "Ҳаммасига ўзим айбдорман, онам бечора зор-зор йиглаб, "Жон болам, ҳамма нарсанг етарли, ўз юртингда топилган бир бурда нонинг ҳалол бўлади, борманг, ёш келин нима қилади у ёқда?" дея ялинганда кулоқ солмадим. Мана, ўзбошимчилик оқибати, мени бу ёқда умрим куяди, Лоланинг эса у ёқда. Худойим, бундай маломатни, азоб-уқубатни душманни ҳам раво кўрмагин", дея маънос пичирлар эди...

Зухро ЭШОНҚУЛОВА,
Самарқанд шаҳри.

Вагон кузатувчиси... қонунбузар!

танишиб қолади. Эшбоев Фурқатнинг темир йўл тизимида ишлашини билгач, "Э, сиз бизга жуда керакли одам чиқиб қолдингиз-ку, ароқ, сигарета ва бошқа нарсалардан бу ёққа олиб келинг. Қанча бўлса, сотиб олаверамиз", деб таклиф қилди қолди.

Бир неча кундан сўнг Москва-Тошкент йўналиши бўйича ҳаракатланаётган поезд Россиянинг Самара шаҳри вокзал-

лига келиб тўхтади. Яқин атрофдаги алкоголь дўконидан миҳознинг талаби бўйича жами 52 шиша "Зелёный марка", "Столичная", "Путинка" номидаги алкоголь маҳсулотлари ҳамда "Парламент", "Камел" тамаки маҳсулотларини сотиб олган Ф.Наимов товарни ўзи кузатиб келаётган вагон купеларига жойлаштирди.

"Тошкент" темир йўл вокзалига кел-

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

гач, телефон орқали миҳозини оғохлатирган поезд кузатувчиси олиб келган маҳсулотларини жами 1.700.000 сўмга баҳолаб, фуқаро Р.Эшбоевга пуллади. Лекин унинг бу жинойи ҳаракатлари беиз кетмади. Текширув ўтказилганда ноқонуний маҳсулотлар қаердан, қандай мақсадда олиб келингани ойдинлашди. Суд эса қонунбузарга тегишли тартибда жазо тайинлади.

Нодир БОБОРАҲИМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛПК департаменти
Тошкент шаҳар
бошқармаси ходими.

"Тошкент—Москва—Тошкент" тезюрар поезде кузатувчиси Ф.Наимов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўз хизмат ваколатидан фойдаланиб, Россия Федерациясидан алкоголь ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда республикамизга олиб кирганига айбланди. Унинг қилмиши Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан квалификация қилиниб, бир неча йил темир йўл тизимида ишлаш ва тадбиркорлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Фурқат Наимовнинг бу қонунбузарлики содир этишига, аввало, унинг ўзи айбдор. У жорий йилнинг апрель ойида пойтахтимизда фуқаро Р.Эшбоев билан

Ёнғоқ — минг дардга даво

Егулиги енгил ва ични юмшатади, ҳазм давомида ошқозонда гизонинг даф бўлишини таъминлайди. Юрак, мия, жигар, ошқозон, тухумдон ва буйрақларни бақувват қилади. Данаксиз узум ва сарик



анжир билан ейилса янада фойдалироқ. Кексаларга жуда ёқимли егуликлардан биридир.

Мағзини анжир билан янчиб, ундан 45 грамм миқдорда истеъмолад қилинса, ич қотишини юмшатади. Агар ёнғоқнинг ўзини наҳорда оч қоринга истеъмолад қилинса, қайтни осон қилади. Пўсти билан қовуриб, кейин мағзи истеъмолад қилинса, совуқдан бўлган йўталга даво бўлади.

Мағзи ичкадаги оғриқларни қолдириш билан бирга, яраларга ҳам шифодир. Мағзини майдалаб янчиб, давомли тарзда кўзга қўйиб боғланса, шилпиклик ёки қичимали лўкиллаш ва сув кетишини даф қилади.

ТАБИАТ — ДОРИХОНА

Ёнғоқнинг мағзини қора зира билан майин эзиб, асал билан аралаштириб, фалаж бўлган беморнинг боши ва баданига, юзи қийшайган тарафига суртиб, қалин пахтали кўрпага ўраб, яхшилаб терлагунча сабр қилиб турилса, касалликдан нажот топади.

Наҳорда оч қоринга ёнғоқ мағзини чайнаб ейилса, болалардаги тери касаллиги ва савдойи шиш сабабли чиққан яраларга суртилса катта фойдаси бор. Агар мағзининг таъми аччиқ ва ёқимсиз бўлса, ейиш мумкин эмас.

Тоза мағзи асал билан мураббо қилиб ейилса, буйракни семиртиради. Буйрак семирса бақувват бўлади ва унда тош пайдо бўлмайди. Мураббоси ични юмшатади ва ичакни қувватли қилади.

Ёнғоқнинг хўл ва тоза яшил пўчоги сувини қуюлгунча қайнатиб, кейин суртилса, қон йиғилишидан пайдо бўлган қаттиқ томоқ оғриғи, оғиз пишиши, тишдан қон кетиши ва тиш бўшлиғига даво бўлади.

Ёнғоқ ёғидан ҳар куни 15,5 грамм ичилса, сон ва баданнинг тиззадан юқори қисмидаги касалликларга даво бўлар экан. Ёғ суртилса, яра-жароҳатлар, кўзнинг ёки доимий йирингли касалликларига, асабини юмшатишга наф беради.

Бобур КЕНЖАБОВ тайёрлади.


Беҳили дастурхон

Беҳи деганда биз кексаларнинг кўз ўнгимизда жимирлаб оқаётган шаффоф сув бўйларига экилган дўппидай-дўппидай олтинсимон, ёш келинчақдай эгилиб, дурдай терилиб турган, ифори димоғларни қитқилоччи серсув, ўзгача таъмга эга, қиш фаслида уйларимиз тўрига осиб қўйиладиган беҳилар гавдаланади.

Эсимда, бир пайтлар оналаримиз беҳини олма, нок билан бирга дастурхонга қўйишарди. Айниқса, уругини олиб, ўзини паловга солишганда, ҳил-ҳил пиш-

гани танани яйратиб юборарди.

Тиббиёт нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, беҳи таркибида олма, узум, лимон кислоталари, 12-13 фоиз миқдорда қанд, пектин, эфир мойи, ошловчи моддалар, қонни кўпайтирувчи темир, мис, суяк тўқималарини мустаҳкамловчи



кальций, гликозид, амигдалин бўлгани учун ҳам халқ табототида беҳининг шарбати билан астма, юрак касаллиги, сарик, ҳикичоқ, қорин оғриғи, ичкетар, камқонлик, жигар, йўтал, меъдаларни даволашда фойдаланилган. Бугунги замонавий тиббиётда ҳам ундан унумли фойдаланилмоқда. Айниқса, беҳи уругига узум шарбати қўшиб тайёрланган қайнатмаси қон тупуриш, бавосил, нафас йўллари ва камқонликни даволашда ниҳоятда фойдали экани кўпчиликка маълум.

Беҳили мураббо, компот, шунингдек, унинг ўзига хос тотли шарбати қиш мавсумида вақти-вақти билан истеъмолад қилсангиз, шубҳасиз, ўнлаб касалликлардан холи бўласиз.

Демак, беҳили дастурхоннинг хосияти бағоят улуг экан.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ

АЖАБ ОЛАМ

МИХЛИ РЕКОРДЛАР

Буюк Британиянинг Кент шаҳрида яшовчи тўрт нафар йигитча қандай қилиб бўлмасин рекордлар китобидан ўрин олишга қарор қилишди. Узоқ ўйла-нишлардан сўнг 2001 йилнинг 27 августида улар бир-бирининг орасига иккала тарафи ҳам ўткир михлар билан қопланган ёғоч тахталарни қўйиб, устма-уст ётиб олдилар. Аҳмоқона фикр дейишингиз мумкин. Аммо нима бўлганда ҳам, қўзланган мақсадга эришилди. Тўртовлон "михли тахталарни қўйиб, бир-бирининг устида ётган энг кўп одам" сифатида рекордлар китобидан ўрин эгаллашди.



Яқинда украиналик паҳлавон Дмитрий Халажи михлар устида ётганча 1800 килограмм келадиган ҳарбий автомобилни кўтариб, бу борадаги рекордни

ангилади.

Метин танали бу йигит аввалига ярим тонна келадиган машинани михлар устида кўтариб, ярим дақиқа ётди. Маълум вақт ўтгач, 908 кг келадиган ҳарбий «Жип» ҳам унинг устида шунча вақт тўхтаб ўтди. Трюклар дастури сўнида эса иккинчи жаҳон урушида иштирок этган 1800 килограммлик юк автомобили михлар узра ётган Дмитриининг устига "бостириб" келди. Машинанинг олд гилдирақлари паҳлавоннинг танаси устида 15 сония туриб қолди, сўнгра унинг оёқлари томон юриб, бутун танасини босиб ўтди.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.



Ёшимга мос, иши тайин, зарарли одатлардан холи, уй-жойли, диёнатли инсон учраса, турмушга чиқаман.

МАХБУБА,
Сирдарё вилояти.

Аёлим Муборакнинг қазо қилганига уч йил бўлди. У жуда даям меҳрибон, очиқ кўнгли, меҳмондўст аёл эди. Муборакка ота-онамининг раъйига қараб уйланган бўлсам ҳам, уни ниҳоятда хурмат қилардим, яхши кўрардим. Ахир, 38 йил бирор марта жанжаллашмай, сиз оғзимиз сенга бормай тотув яшадикда. Таниган-билганларнинг ҳаваси келарди. Фарзандларимизни уйли-жойли қилдик. Ҳаммаси ўзларидан тинди. Аммо хузур-ҳаловатда қарилик гаштини сурuish Муборакка насиб этмади. Кўричаги ёрилиб, бизларни ташлаб кетди. Фарзандларим меҳрибон, атрофимда парвона. Ўзим билан бирга яшайдиган келинимнинг ота-онасига раҳмат, у ўз қизимдай бўлиб кетган.

Яқинда "Оқтош" санаториясида дам олдим. Шу жойдаги ҳамхонам "Акажон, уйланинг. Онам бевақт оламдан ўтгач, отам уйланмаганди. Умрининг охирида тўрт йил ётиб қолди. Ўшанда отамнинг вақтида уйланмаганига афсус қилдим. Келин ва қизингиз ўз йўлига, аёлингизнинг ўрни бўлак экан", деди.

Шундан сўнг жиддий ўйлаб кўриб, уйланишга қарор қилдим. Фарзандларим рози. Ёшим 61 да. Маълумотим ўрта. Нафақада бўлсам-да, ишлайман. Ёшимга мос, фарзандлари ташвишдан қутулган ёки бефарзанд, оқ кўнгли, иймонли, уйим-жойим дейдиган аёл учраса, хабар берсангизлар.

НУРМАМАТ ота,
Тошкент шаҳри.

"Ҳар қимматки ўзига, ой кўри-нар кўзига", деганларидек, ўғлим Жасурбек менинг наздимда хушсуврат, омадли йигит. Москвада коллежни тугатган, ҳозирда Самарқанд давлат университетининг 3-босқичи толиби. Орузумиз, умидимиз — унга муносиб келин топиб, ўғлимизнинг келгуси оилавий бахтини ҳам тўқис қуриш. Албатта, севимли газетамизга маданиятли, ўқимишли инсонлар мурожаат қилишига ишонамиз.

Оғзи куйган қатикчи ҳам пуфлаб ичаркан. Опам қайнисининг қизини келин қилган эди. Ака-укалар бадавлат бўлгани учун қўйнимдан тўқилгани кўнжимга, толган тутганим ўзгага эмас, ўзимникига бўлсин, дея иш тутишди, шекилли. Ёшлар бахтли, ота-оналар ҳурсанд бўлди. Лекин бу узоққа чўзилмади. Икки фарзандлари ҳам ногирон туғилиб, пушаймонлик оилага соя солди. Шу боис узоқроқ қарин-

дошлар билан ҳам қуда-анда бўлмоқчи эмасмиз. Жасурбекнинг ёши 24 да. Дипломини олса, яхши жойда ишлайди, деган умиддамиз. Уйланмаган. 22 ёшгача бўлган, самарқандлик ёки тошкентлик хушрўй, олий маълумотли, ақлли, одобли қизни келин қилмоқчимиз.

САОДАТ хола,
Самарқанд вилояти.

"Саломатга уйланишимга отам қарши бўлганди. Унинг отаси ичкиликка ружу қўйган, тайинли бир ишнинг бошини тутмаган, лоқайд одам эди. Лекин онаси жонсарақ, болалари учун яшаётган ниҳоятда меҳрибон аёл бўлган. Саломат ўн саккиз ёшида онасидан айрилиб, укаларининг тарбияси билан ўзи шугулланган. Гоҳида армон бўлган "Онам бечора кун кўрмади, бедаво дардга йўлиқди, вақтида даволанмади, биз болаларини тирик етим қилмайман деб отамнинг зуғумларига чидади",

дегучи эди. Институтни тугатганимдан сўнг уйимиздагилар келин танлаш ниятида қиз суриштира бошлашди. Мен эса Саломатдан бошқасига уйланмайман деб оёқ тираб олдим. Бувим жонимга ора кирди. Отам ҳам базўр рози бўлди. Ахийри, тўйимиз ҳам ўтди. Биз жуда бахтли яшай бошладик. Отанам ҳам хотинимни ўз қизидай яхши кўриб қолди. Кетма-кет фарзандларимиз туғилди. Уларни еру кўкка ишонмай, оқ ювиб, оқ тараб тарбияладик.

Афсус, Саломатнинг саломатлигига путур етди, бахтсиз болалиги ўз асоратини ўтказганди. Унинг юраги безовта қила бошлади. Узоқ вақт даволанди. Аммо... барибир бўлмади. Хотиним васият қилганидек, қизларимни яхши жойларга узатдим. Яна орадан саккиз йил ўтгач, уйланишга қарор қилиб, севимли "Оила ва жамият" газетасига мурожаат этдим.

Менга бефарзандлик доғида куйган Дилноза исмли аёлингиз телефон рақамини беришди. У оқ кўнгли, меҳрибон экан. Бахтинми кайта топдим. Сизлардан бир умр миннатдоримиз.

САЛИМ,
Навоий вилояти.

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумот-нома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашган-лар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Ҳаёт туш эмас, туш эса...

...Рассомчилик билим юртида таҳсил олаётган кезларимда бир туш кўрган эдим. Оппок гуллар билан қопланган бепоён қир эмиш. Гир атроф уфққача саноқсиз мойчечакларга бурканган. Мен бу каби кўп гулларни умримда учратмаганман. Ҳамон гулзор манзара ичида авайлаб қадам улкан манзарани эслатарди. Унда ўзим ҳам иштирок этиб, ҳатто ҳар бир гулини ушлаб кўрсам бўладигандек эди. Аммо ҳадиксираб манзара ичида авайлаб қадам босганим, пешонамни муздек тер босиб ҳайратдан уйғониб кетганим ҳамон ёдим-га тушади. Шу ёшга-ча суратсимон — футуристик тушларни кўп кўрганман. Аммо улар ўша, мени илк бор маҳлиё этганчалик эмас. Кейин мен бундай туш кўрмадим.

Ҳа, ўшанда рас-сомчилик билим юрти талабларига жавоб беришга ҳаракат қилиб, тинмай ўз устимизда ишлашимизга тўғри келарди. Ёш рассом устозларнинг эътиборини қозониш учун қаттиқ меҳнат қилиши лозим эди. Йўқ-йўқ, устозлар бизни расм чизишга мажбурлашмасди, биз ўзимиз тинмай қаламларимизни учли қилиб йўниб, нималарнидир чизганимиз-чизган эди. Рассомлар муҳитига мослашаётгандек-да. Шунинг учунми, вақтимизнинг бир лаҳзасиниям бекор ўтказмасликка ҳаракат қилардик. Ётоқхонага келганимизни, оғзимиздан сув оқиб, чарчаб қандай ухлаб қолганимизни билмасдик. Ҳар олти ойда чизган янги суратларимизни кўришга тайёрлаш жараёни жуда ҳаяжонли кечарди. Бу ишларни ўқитувчиларимиз атоқли рассомлар билан кўриб чиқиб баҳолашар, ё ўтардик ё йиқилардик. Баъзи талабалар топшириқлар кўп бўлгани боис чидай олмай ўқини ташлаб ҳам кетарди. Ижод қилиш нима эканини ўшанда тушунганмиз.

Ҳаёт тушда эмас, туш ҳаётда давом этар экан. Қаердадир оқ гулларни кўрсам, ўша тушимнинг бир лаҳзаси яна давом этаётгандек бўлади. Одам ўз тақдирини ўзи ўзгартиради, деган гап бор. Бироқ мен туйғуларимни ўз ҳолига қўйишга интиламан. Бу ҳол менга гулзор ичидан уларни пайҳон этмай ўтиб кетиш лозимлигини эслатади. Ҳеч кимни хафа қилмасликка интиласан. Бир танишим бировга ёмонлик қилмаслик ҳам яхшиликка киради, деган эди. Ишга кетаётганимда метродами, йўлдами, кимдир қаршимдан бир даста оқ гулларни кўтариб ўтиб қолса, ўзимни жуда бахтли хис қиламан. Буни тасодиф дейёлмайман.



Ўша ўсмирлик чоғимда тушимда кўрган гулзор яна жонлангандек бўлади. Баъзан метрода бир даста гулнинг хиди атрофни тугтиб кетади. Бу ҳолни ўйлаб топиб бўлмайди. Эсласанг, яна ўша рўё бутун хаёлингни эгаллаб олади. Сен ишга кетаётган метро вағони мойчечаклар ичидан учиб ўтаётгандек. Сени гуллар ифори ва капалаклар ишга кузатиб қўяётгандек бўлади. Бу — БАХТ.

Бир пайтлар отам менга омадсиз рассом ҳикоясини айтиб берган эди.

...Ўтмишда бир рассом жуда қийна-либ, ижод қилолмади қолибди. Уни ҳеч ким тушунмас эмиш. Чизган суратларинг алмойи-алжойи деб, кимдир пинҳон, кимдир ошқора кула бошлабди. Унинг ранглар ичидаги оламини оёқ ости қила бошлабдилар. Буям етмаганидек, уйига борса — рўзгор ташвиши, кўчага чиқса — дўсту душман маломати, ҳеч қўлига мўйқалам

КЎЗГУ

ололмади қолибди. Чидабди, анча вақт сабр қилибди, лекин яна турмуш етишмовчилиги ва атрофдаги бахтсиз одамларнинг ноҳақ тухматлари уни ҳаётдан тўйдириб юборибди. Ижод қилишдан умиди узилди. Бирдан хаёлига ўз жонига қасд қилиш келибди. Шу ўй билан уйдан чиқиб кетибди. Эрталабдан-кечгача тентираб юриб, шаҳарнинг бир четидаги хиёбонга келиб қолибди. Ўриндиққа ўтириб олиб ўзини қандай ўлдиришни ўйлаб бошлабди. Шу пайт поездининг овози эшитилибди... Ҳа, у шундай ўладаки, гўё темир йўлда ўтиб кетаётганида бахтсизлик юз беради...

Шунда ёнидаги ўриндиқдаги икки кишининг қаҳқаҳаси хаёлини бўлиб юборибди. Омадсиз рассом диққат билан қараса, икки кўзи оқибди киши ниманидир айтиб, қотиб-қотиб қулишармиш. Кўрларнинг тиззаларини уриб-уриб қулишлари рассомни сергаклантириб юборибди. "Ўзлари кўр бўлса, қуёш нима, осмоннинг рангини ҳам билмаса, яна нимасига кулади, битига куладими булар?!", деб ўйлабди жони халқумига келиб турган рассом. Аммо кўрлар қора кўзойнақларини ечганча, кўзларини артиб-артиб тўхтамай қотиб-қотиб қулишармиш. Рассом гап нимадалигини билмаса-да, беихтиёр ўзи ҳам қулиб юборибди. Гўё унинг поездининг тагига ташлагани буларга жуда кулгилли кўрингандек бўлибди. "Бу бахтиқароларни қара, — дебди у ўзига ўзи, — ўзлари кўр бўлса, дунёга келиб ҳеч нарсани кўришмаган бўлса ҳам, шу қадар бахтли... Менинг эса, қўл-оёғим соппа-соғ, кулоғим эшитса, кўзларим кўрса, яна нимага ўзимни ўлдиришим керак?" Рассом ўлим ҳақидаги хаёллардан кечиб, уйига қайтиб кетган экан...

Бахт деганлари шу эмасмикан?

Баъзан ҳаётда юз бераётган хурсандчиликлар боис, ўзимни ўша ўтмишдаги тушимда қатнашаётганимизга, деб ўйлаб қоламан. Қаердадир ўқигандим, сув ҳатто тошни ҳам емирад экан. Шунда ўзимга-ўзим одам тиниқ сувга ўшасан экан, дейман. Негаки, у ичида нимани сақласа, шаффофлиги боис кўрлини туради ва хоҳлаган шаклга қира олади. Шаклга кириш бу — ёнингдаги одамнинг гапларини тинглаш ва ҳамдард бўлишдир. Кетаётган йўлимда бир донга оппок мойчечакни кўриб қолсам ҳам, ўзимни бахтли санамайман... Бу тушимнинг давомидек туюлади. Ҳаётимнинг ҳар бир лаҳзасини бир донга мойчечакни томоша қилгандек ўтказгим келади. Бу гулга қайрилиб қарамасликнинг эса ҳеч ҳам иложиси йўқ.

Даврон РАЖАБ

СПОРТ

Францияда халқаро турнир

Франциянинг Руей Малмезон шаҳрида кураш бўйича "Ўзбекистон Республикаси Президенти Гран-приси" халқаро турнири якунланди.

Учинчи маротаба ташкил этилган халқаро турнирнинг эркаклар ўртасидаги баҳсларининг 60 килограмм вазнида Олим Равшанов, 73 килограмм вазн тоифасида Давлат Абраев, 90 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз Шухрат Арслоновлар



мусобақанининг олтин медалини қўлга киритди.

Мутлақ вазн тоифасида эса совринли ўрин грециялик Василеос Илиадисга насиб этди.

Хотин-қизлар баҳсида юртимиз Шарафини ҳимоя қилган Мадинобану Салоҳиддинова 63 килограмм вазн тоифасида қумуш, мутлақ вазн тоифасида эса бронза медални қўлга киритди. Сайёра Муҳаммадиева ҳам 52 килограмм вазнда иккинчи ўрин эгаллади.

Лондонга тўртта йўлланма

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Боку шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида тўртта олимпия йўлланмасини қўлга киритди.

Чемпионатда жамоамиз сардори Элшод Расулов ва Жасурбек Латипов жамоа ҳисобига иккита бронза медални ҳада этди.

Боксчиларимиздан Эрзубек Шоимов ва жаҳон чемпионатининг яна бир дебютанти — Фазлиддин Ғойбназаров ҳам олимпия лицензияси соҳиби бўлди.

Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

МЕН ЁЗОЛМАГАН ШЕЪР...

Севги нима?
Садоқат нима?
Мен қайдан биламан,
Мендан сўрама,
Мажнун чолдан бориб сўра,
Мажнун чолдан.

Ҳов ўлтирар
Сувга айтиб тушларини,
Балким йиллар
Эслаб хайру хўшларини,
Мажнунтоддан бориб сўра,
Мажнунтоддан.

Муҳаббатнинг дури ўшалар,
Ошиқларнинг зўри ўшалар.
Севшиганлар пири ўшалар,
Мажнунтоддан бориб сўра,
Мажнунтоддан.

Ахир нега мендан сўрайсан?
Нега мунча ёмон қарайсан?
Қандай экан,
Эй Дўст...?
Энди қалайсан?..
Бориб Мажнун чолдан сўрайсан!

ИШҚИНГ

Киприкларинг Кумудан мерос,
Отригига йўқ ҳамон чора.
Қошларингнинг қаролиги рост,
Сўзлар оғиз, жумла бечора.
Сочларингми у тола-тола,
Тортилган-у, чалинмаган куй.

Ёноқларинг қип-қизил лола,
Жаннатлардан дарах берган бўй.
Умидим-ку, бир бора боқмоқ,
Кўнглинг кўнглим етолмаган ер.
Лабларинг — мен адашган сўқмоқ,
Кўзларинг — мен ёзолмаган шеър.
Ишқинг сенинг унсиз унларда
Ўтаётган умримнинг умри.
Тонгларда туташган тунларда
Кўкрагимда сайраган кумри.

Сенинг-ла юраклар ёлмаган дам йўқ,
Хўшнинг қизғонмаган бирор одам йўқ.
Ғамингдайин ширин, покиза ғам йўқ,
Очилгин, гуллагин, сўлма, муҳаббат.

КўНГИЛ МУЛКИ



Ерга боқиб сўйлар, кўзлардан кўрқар,
Бўғзига тиқилган сўзлардан кўрқар,
Душманга тик боқар,
қизлардан кўрқар,
Йигитнинг ҳолидан қулма,
муҳаббат.

Нигоҳинг оташдир ёндирар қулча,
Қанча маъқул кўрсанг,
қийнағини шунча,
Фақат чимилдиққа кирмағунингча,
Бирон кимсаники бўлма,
муҳаббат.

Ахрор БАЙЗАЕВ,
Сўрларё вилояти
Янгиер шаҳри.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом ақлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.
Реклама материаллари маъмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 15:00
Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Кабулхона: (тел/факс) 233-28-20
Котибият: 237-21-82
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1028. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 7615. Баҳоиси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ
Мусахҳиллар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Мафтуна МИНГБОЕВА

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5